БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ РУСТАМЖОН РАСУЛЖОНОВИЧ

PLANTAGO MAJOR L. ВА *PLANTAGO LANCEOLATA L.* ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ФЕНОЛ БИРИКМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ

02.00.10 – Биоорганик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент- 2018

УДК 547. 982. 83/84.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Махмудов Рустамжон Расулжонович
Plantago major L. ва *Plantago lanceolata L.* ўсимликларининг фенол бирикмалари ва уларнинг биологик фаолликлари…..... 3

Махмудов Рустамжон Расулжонович
Фенольные соединения *Plantago major L.* и *Plantago lanceolata L.* и их биологическая активность..... 21

Makhmudov Rustamjon Rasuljonovich
Phenolic compounds *Plantago major L.* and *Plantago lanceolata L.* and their biological activity..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 42

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ РУСТАМЖОН РАСУЛЖОНОВИЧ

PLANTAGO MAJOR L. ВА *PLANTAGO LANCEOLATA L.* ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ФЕНОЛ БИРИКМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ

02.00.10 – Биоорганик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент- 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/K18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Абдулладжанова Нодира Гуломжановна** кимё фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Гафуров Махмуджон Бакиевич** кимё фанлари доктори
	Рахманбердиева Раъно Каримовна кимё фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____» _____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83.Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.И.Салихов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

М.И.Асраров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

А.А.Ахунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда шифобахш ўсимликлар асосида тайёрланган табиий дори воситаларига эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда дунё фармацевтика бозорларида ушбу турдаги дори воситалари ҳажми 40-50 фоизни ташкил этаётгани бежиз эмас[1]. Кўплаб фитопрепаратлар синтетик воситалардан фарқли ўлароқ, инсон организмига кенг спектрли таъсир кўрсатиш хусусиятини намоён қилиб, узоқ вақт ножўя таъсирларсиз қўллаш мумкинлиги билан характерланади. Фитопрепаратларга бўлган талабнинг ортиши доривор ўсимлик хом ашёси ассортиментини кенгайтириш, кам ўрганилган ўсимлик турлари моддаларини кимёвий ва фармакологик тадқиқ қилиш ва улар асосида доривор воситалар яратиш ҳамда тиббиёт амалиётига тадбиқ қилиш имконини беради.

Дунёда турли илмий йўналишларда, жумладан, фармацевтика, тиббиёт ва бошқа соҳаларда ҳам биологик фаол бирикмаларга бой ўсимлик манбаларини излаб топишга ҳамда уларнинг кимёвий таркибини тадқиқ қилишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, *Plantaginaceae* оиласига кирувчи ўсимликлар таркибидаги углеводлар, иридоид глюкозидлар, флавоноидлар, фенолкарбон кислоталар ва бошқа синфларга кирувчи бирикмалар ажратиб олиниб, улар асосида яратилган самарали таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган дори воситалари тиббиёт амалиётида кенг қўлланилади. Ушбу оиланинг *Plantago* туркумга кирувчи ўсимликларнинг кимёвий таркибини текшириш, флавоноидлари ва гидролизланувчи таннинларини ажратиб олиш, уларнинг кимёвий тузилиши ва биологик фаолликларини тадқиқ қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда ўсимликларнинг биологик фаол бирикмалари асосида импорт ўрнини босувчи, самарали дори воситаларини яратиш, аҳолини дори воситалари билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди ва муайян натижаларга қўлга киритилди. Хусусан, маҳаллий ўсимлик хом-ашёси асосида Рагосин, Мегосин, Гозалидон, Рутан каби табиий дори воситалари тиббиёт амалиётига тадбиқ этилган. Ушбу препаратларнинг асосий таъсир этувчи моддаси полифенол бирикмалар ҳисобланиб, улар кенг спектрли таъсир кўрсатиши, антиоксидант, антибактериал ва фунгицид хоссалари билан алоҳида ажралиб туради. Бу борадаги ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларини асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан

[1] http://mail.narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/tibbijot/item/1598-фармацевтика-соҳасида-истиқболли-лойиҳалар-дори-дармон-таъминоти-барқарорлигининг-муҳим-шартидир/

муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бундай вазифаларни бажаришда биологик фаол бирикмаларни ажратиш, кимёвий таркибини аниқлаш ҳамда улар асосида доривор воситаларини ишлаб чиқиш соҳасидаги ишларни янада жадаллаштириш, маҳаллий хом-ашё манбаларидан янги самарали дори воситаларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги «2016–2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-2595-сонли Қарори ва 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Plantaginaceae* оиласига кирувчи ўсимликларнинг таннинлари, флавоноидларини ажратиб олиш ва уларнинг кимёвий тузилишини тадқиқ қилиш, биологик фаолликларини аниқлаш бўйича бир қатор олимлар, жумладан, I.D.Karagöz, M.E.Kalender ва ҳамкасблари томонидан *in vivo* шароитда ўсмаларга қарши фаоллиги (2007), L.C.Chiang, M.Y.Chang, C.C.Lin томонидан *in vitro* шароитда вирусларга қарши ва иммуномодуляр фаоллиги (2003), T.M.Nyunt, K.K.Lwin томонидан гипертонияга қарши фаоллиги (2007) ўрганилган. G.R.Jurisic, J.Vukovic ва ҳамкасблари томонидан *Plantago major L.* ўсимлигининг полифеноллари миқдорий таҳлил қилинган (2005). S.A.Kawashty, M.F.Abdalla, N.A.M.Saleh томонидан ўсимликнинг флавоноидлари таркиби (1994), M.Zubair ва ҳамкасблари томонидан фенол бирикмалари таркиби ҳамда уларнинг антиоксидант, вирусларга қарши фаолликлари аниқланган (2010).

Мамлакатимизда мазкур йўналишда самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, Биоорганик кимё институти олимлари А.И.Исмаилов, Н.О. Барам ва Х.Л.Зияевлар томонидан ғўза илдиз пўстлоғидан ажратиб олинган госсипол ва унинг ҳосилалари асосида турли вирусли касалликларга (герпес, хламидия, гепатит) қарши «Мегосин», «Гозалидон», «Рагосин» каби дори препаратлари яратилиб, тиббиёт амалиётига тадбиқ этилган. Катехин ва проантоцианидинларнинг кимёвий тузилишларини аниқлашга к.ф.н. Ш.Ю.Исламбеков, к.ф.д., проф. З.А.Кулиев каби олимлар катта ҳиссаларини қўшганлар. Акад. Ш.И.Салихов, проф. С.М.Мавлянов ва уларнинг шогирдлари томонидан Марказий Осиёда ўсувчи *Annacardeaceae, Geraniaceae, Malvaceae, Punicaceae* ва *Euphorbiaceae* оиласига кирувчи ўсимликлар полифенолларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликлари чуқур

текширилиб, улар асосида вирусларга (грипп, ОИВ-1) қарши дори воситалари яратилган.

Дунёда олиб борилаётган тадқиқотларнинг аксарият қисми полифенолларнинг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллиги ўртасидаги боғлиқликни, антиоксидант ва вирусларга қарши фаолликларини аниқлаш ҳамда уларнинг таъсир кўрсатиш механизмини очиб беришга қаратилган бўлиб, ҳозирги кунгача *Plantaginaceae* оиласи ўсимликларининг таннинлари ва уларнинг биологик фаолликлари тўғрисида етарлича маълумотлар олинган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг МР-41 «Ўсимлик полифеноллари ёрдамида вирус репликациясини ингибирлаш механизми» Ўзбекистон-Россия лойиҳаси (2008-2010 йй.) ҳамда ФА-А 11-Т061 «Маҳаллий ўсимлик хом ашёси полифеноллари асосида вирусларга қарши дори воситалари яратиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги илмий амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Plantago major L.* ва *P. lanceolata L.* ўсимликларининг фенол бирикмалари ва уларнинг биологик фаолликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Plantago major L. ўсимлиги ер устки қисмларидан полифеноллар йиғиндисини ажратиб олиш;

Plantago lanceolata L. ўсимлиги ер устки қисмларидан полифеноллар йиғиндисини ажратиб олиш;

полифеноллар йиғиндисини алоҳида бирикмаларга ажратиш;

ажратиб олинган бирикмаларнинг тузилишини физик-кимёвий усуллар ёрдамида аниқлаш;

ажратиб олинган бирикмаларнинг биологик фаолликларини аниқлаш;

Плантагин субстанциясини ажратиб олишга лаборатория регламенти расмийлаштириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Plantaginaceae оиласига кирувчи *Plantago major L.* ва *P. lanceolata L.* турлари, полифенол бирикмалар, қандли диабет ва яллиғланиш моделлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети *Plantaginaceae* оиласи ўсимликларидан ажратиб олинган гидролизланувчи таннинлар, флавоноидлар, уларнинг кимёвий тузилиши ҳамда биологик фаолликларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни бажариш жараёнида УБ-, ИҚ-, ЯМР спектроскопия, масс-спектрометрия, устунли, юпқа қатламли ва қоғоз хроматографияси усуллари, кислотали ва ишқорий гидролиз реакциялари, метиллаш ва метанолиз реакциялари ҳамда *in vitro* ва *in vivo* шароитдаги фармако-токсикологик тадқиқот усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

P. major L., P. lanceolata L. ўсимлик турларидан 20 дан ортиқ бирикмалар, шу жумладан 7 та флавоноид ва 8 та гидролизланувчи таннинлар ажратиб олинган;

P. major L, ўсимлигидан иккита янги гидролизланувчи таннин - (гексагидроксидифеноил-1-(О-2-О-галлоил-β-D-глюкопиранозидо)-1-(О-β-D-ксилопиранозид)диэфири ва гексагидрокси-дифеноил-1-(О-β-D-глюко-пиранозидо)-2-(О-4-О-галлоил-β-D-глюкопиранозид) диэфири ажратиб олинган ва кимёвий тузилиши исботланган;

P. lanceolata L. ўсимлигидан битта янги таннин -2-О-бис-дигаллоил-4,6-валонеил-β-D-глюкоза ажратиб олинган ва унинг кимёвий тузилиши аниқланган;

ажратиб олинган моддалар яллиғланишга қарши ва гипогликемик фаолликларга эга эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

P. major L. ўсимлигидан ажратиб олинган Плантагин дори воситасининг яллиғланишга қарши фаоллиги аниқланган айни вақтда унинг антиэкссудатив фаоллиги назоратга нисбатан 70% ни ташкил этиши топилган;

Плантагин дори воситасининг гипогликемик фаолликка эга эканлиги исботланган. Олинган натижалар асосида «Диабетга қарши восита» ихтирога патент олиш учун (JAP 2016 0404., 29.09.2016) талабнома топширилган;

ажратиб олинган биологик фаол моддалар янги антидиабетик ва яллиғланишга қарши препаратлар яратишга амалий асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ажратиб олинган моддаларнинг тузилиши ва биологик фаолликлари замонавий усуллар (физик-кимёвий, кимёвий, фармако-токсикологик тадқиқот усуллари) асосида таҳлил этилганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, тажрибалар натижаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган маҳаллий ва халқаро илмий журналларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистонда ўсувчи *Plantaginaceae* оиласи ўсимликлари 2 та турининг полифеноллари текширилиб, улардан флавоноидлар, таннинлар ва фенолоксикислоталари синфига кирувчи бирикмалар ажратиб олинган. 3 та янги гидролизланувчи таннинларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилиб, тузилиши исботлаб берилган. Фенол бирикмаларни ажратиб олиш ва тузилишини аниқлаш усуллари бўйича олинган маълумотлар табиий бирикмалар кимёси соҳасидаги янги тадқиқотлар учун услубий қўлланма вазифасини бажариши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот объектидан ажратиб олинган Плантагин дори воситаси тўлиқ

фармако-токсикологик текширувлардан ўтказилган. Натижада у кам заҳарли моддаларнинг V синфига кириб, LD_{50} 8900 мг/кг га тенг. Плантагин дори воситаси гипогликемик ва антиэкссудатив хоссаларга эга бўлиб, бу унинг асосида яллиғланишга ва диабетга қарши янги самарали дори воситаси яратиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Plantago major L.* ва *P. lanceolata L*. ўсимликларининг фенол бирикмалари ва уларнинг биологик фаолликларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Plantago major L. ва *P. lanceolata L*. ўсимлик полифенолларининг аниқланган физик-кимёвий катталикларидан хориждаги импакт-фактори (JIF) юқори илмий журналларда ўсимликни кимёвий таркибини идентификация қилиш ҳамда кимёвий тузилишини аниқлашда фойдаланилган (BioMed Research International, 2015, V. 2015, ResearchGate, IF 2.17; Brazilian Journal of Botany, 2017, V. 40, ResearchGate, IF 0.79; Annals of Warsaw University of Life Sciences - SGGW Land Reclamation, 2015, №36, ResearchGate, IF 0.58 ва бошқалар). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўсимликларнинг кимёвий таркиби ва биологик фаолликларини тавсифлаш имконини берган;

ўсимликлардан ажратиб олинган фенол бирикмалари ФА-А11-Т057 рақамли «Табиий ва синтетик биологик фаол моддаларни юқори самарали скрининг марказини ташкил этиш» лойиҳасида *in vitro* шароитда биологик фаол моддаларнинг антигипоксант таъсирини аниқлашда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 29 ноябрдаги ФТК-02-11/1210-сон маълумотномаси). Натижада биологик фаол моддаларни комплекс скрининг қилиш асосида потенциал фармакологик фаолликка эга агентларни аниқлаш ва тавсифлашни таъминловчи тест-системани ишлаб чиқиш имконини берган;

ўсимликлардан ажратиб олинган полифенол бирикмаларнинг кимёвий тузилиши бўйича олинган натижалари Хитой Фанлар академиясининг Шинжон физика ва кимё техника интитутида эътироф этилган ва полифенол бирикмаларнинг тузилишини аниқлашда фойдаланилган (Xinjing Engineering Center for Ethnomedicice of Xinjing Technical Institute of Physics and Chemistry of CAS институтининг 2018 йил 25 июндаги маълумотномаси). Натижада полифенол бирикмаларнинг физик-кимёвий катталиклари уларнинг кимёвий тузилишини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иши чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та

мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйҳати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Фенол бирикмалари ҳақида умумий тушунчалар, синфланиши, тузилиши, биологик фаолликлари»** деб номланган биринчи бобида фенол бирикмалар тўғрисида умумий тушунчалар ва уларнинг асосий синфлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Фенол бирикмаларнинг асосий вакиллари ҳисобланган флавоноидлар ва таннинларнинг хоссалари, таснифланиши, галло-, эллаго-таннинлар ва конденсирланган таннинлар, уларни ажратиб олиш манбалари ва конформацион холатлари, тузилишларини аниқлашнинг кимёвий ва физикавий усуллари батафсил ёритиб берилган, биологик фаолликлари ҳақида дунё адабиёти маълумотлари таҳлил этилган. Шунингдек, *Plantaginaceae* оиласи ўсимликлари, уларнинг кимёвий таркиби қисқача изоҳланган.

Диссертациянинг **«*Plantago major L., P. lanceolata L.* ўсимликлари полифеноллари»** деб номланган иккинчи бобида амалга оширилган ишлар натижалари муҳокама қилинган. Полифенолларга бой истиқболли ўсимлик манбаларини излаб топиш мақсадида *Plantago major L.* (подорожник большой, доривор зубтурум) ва *P. lanceolata L.* (подорожник ланцетный) ўсимликларининг гуллаш даврида териб, қуритилган ер устки қисмлари таркиби текширилди.

P. major L. ва *P. lanceolata L.* ўсимликларининг гуллаган вақтида йиғиб, қуритилган хом ашёсидан олиб, липофил табиатга эга бирикмалардан тозалаш мақсадида хлороформ билан экстракция қилинди. Сўнг хом ашёни хона ҳароратида эритувчи қолдиғи қолмагунича қуритиб, 70% сувли ацетон билан уч марта экстракция қилинди. Олинган сувли ацетонли экстрактларни бирлаштириб, роторли буғлатгич ёрдамида қуйилтириб, сувли концентратни этилацетат билан бир неча маротаба ишлов берилди. Этилацетатли фракцияни роторли буғлатгичда қуйилтириб, сувсиз натрий сульфат

(Na_2SO_4) билан қуритиб, полифеноллар фракцияси гексан билан чўктирилди. Чўкмани вакуум-қуритиш шкафида қуритиб, *P. major L.* ўсимлигидан 4.6 %, *P. lanceolata L.* ўсимлигидан 5.7 % полифеноллар йиғиндиси ажратиб олинди.

Полифеноллар йиғиндисини қоғозли хроматография усулида н-бутанол-сирка кислота-сув 4: 1: 5 (1-система), н-бутанол-сирка кислота-сув 10: 3: 7 (2-система), н-бутанол-сирка кислота-сув 4:1:2 (3-система), сирка кислотанинг 15% сувли эритмаси (4-система) ёрдамида текширилганда, *P. major L.* ўсимлиги таркибида 11 та, *P. lanceolata L.* таркибида эса 10 та фенол моддалар синфига таалуқли бирикмалар борлиги аниқланди.

Полифеноллар йиғиндисини алоҳида бирикмаларга ажратиш мақсадида теридан маҳсус тайёрланган гол кукуни тўлдирилган колонкада диэтил эфир, сув ва 60% ли сувли ацетон эритувчилар системаси билан ювиб, учта фракцияга ажратиб олинди.

Қоғозли хроматография натижасида ҳар икки ўсимликнинг диэтил эфирли фракцияси таркибида R_f 0,51; 0,72 (мос равишда 1, 2-системалар) тенг бўлган модда борлиги аниқланди. Эфирли фракцияни вакуум остида ҳайдаб, қуруқ қолдиқ озгина илиқ сувда эритилди. Натижада суюқланиш ҳарорати 239^0C бўлган оқ кристалл модда чўкмага тушди. Ушбу моддани галл кислотаси билан идентификация қилинди.

Сифат реакциялари (аммиак буғи, натрий карбонат эритмаси) натижаларига кўра сувли фракциялар таркибида флавоноллар синфига кирувчи бирикмалар борлиги маълум бўлди. Икки ўлчовли қоғоз хроматографияси (2, 4-системалар) маълумотларига кўра *P. major L.* ва *P. lanceolata L.* ўсимликлари таркибида 5 тадан флавоноллар синфига кирувчи бирикмалар борлигига гувоҳ бўлинди.

P. major L. ўсимлигининг 60% сувли ацетон фракцияси таркибида (1, 2 системалар) 5 та, *P. lanceolata L.* ўсимлигида эса 4 та таннинлар синфига кирувчи бирикмалар борлиги кузатилди.

P. major L., P. lanceolata L. ўсимлигидан ажратиб олинган маълум флавоноидларни идентификация қилиш. Ҳар икки ўсимликдан ажратиб олинган сувли фракцияларни полиамид колонкада хлороформ – метанол (9:1; 8:2) системаларда қайта хроматография қилиб, индивидуал бирикмалар ажратиб олинди. Физик-кимёвий таҳлил натижаларини адабиётларда берилган маълумотлар билан солиштириш натижасида, бу моддаларни кверцетин-3-рутинозид (*P. major L.* ва *P. lanceolata L.)*, 5,7,3',4'-тетрагидрокси-флавон (*P. major L.)*, изорамнетин (*P. major L*), кверцетин-3-O-β-D-галактопиранозид (*P. major L., P. lanceolata L*), 3,5,7,3'4'-пентаоксифлавон (*P. major L., P. lanceolata L.*), 3,5,7,4'-тетраоксифлавон (*P. lanceolata L.*), рамнетин *(P. lanceolata L.*) эканлиги исботланди.

P. major L., P. lanceolata ўсимликларининг маълум таннинларини индентификация қилиш. 60% сувли-ацетонли фракцияни силикагел колонкада диэтилэфир-этилатцетат эритувчилар системасида

(этилатцетатнинг концентрацияси ортиб бориш тартибида) қайта хроматография қилиб, индивидуал бирикмаларга бўлинди. Ажралиб чиққан фракцияларни ЮҚХ усули бўйича кузатиб борилди ва ўхшаш фракциялар бир-бирига қўшилди. Натижада ўзида индивидуал модда сақлаган бешта фракция ажратиб олинди. Физик-кимёвий усуллар воситасида уларнинг тузилишлари аниқланди.

1,2,3,4,6-Пента-О-галлоил-β-D-глюкоза (*P. major L.*)-жигарранг аморф кукун, R_f 0,68 (2-система), суюқ. ҳ. 278-280^{0}С (парчаланиш билан). 5% ли HCl иштирокида олиб борилган гидролиз маҳсулотлари таркибида глюкоза [R_f 0,35 (н-бутанол-пиридин-сув 6:4:3) 5-система, R_f 0,21 (метилэтилкетон:сирка кислота:метанол, ЮҚХ учун 55:5:2) 6-система 1-очилтирувчи (анилин фталат реактиви)] ва галл кислотаси [R_f 0,51 (1-система)] ҳосил бўлди. Гидролиз маҳсулотлари миқдорий таҳлил қилинганда (глюкоза миқдори ферроцианид усули бўйича, галл кислотаси миқдорини эса колориметрик усул бўйича текширилди) 1:5 нисбатда глюкоза ва галл кислотаси ҳосил бўлганлиги маълум бўлди. Олинган натижаларни адабиётларда келтирилган маълумотлар билан солиштириб, бу моддани 1,2,3,4,6-пента-О-галлоил-β-D-глюкоза билан идентификация қилинди.

1,2,3-Три-О-галлоил-β-D-глюкоза **(***P. major L., P. lanceolata L.*)-жигарранг аморф кукун, R_f 0,36 (2-система), суюқ.ҳ. 267-269^{0}С (парчаланиш билан), $[\alpha]^{20}_D$-70,6^0 (с 0.1; ацетон). УБ-(МеОН, λ_{max}, нм): 218, 279. 5% HCl иштирокидаги кислотали гидролиз натижасида 1:3 нисбатда глюкоза ва галл кислотаси ҳосил бўлди. Олинган натижаларга ва адабиёт маълумотларига асосланиб бу моддани 1,2,3-три-О-галлоил-β-D-глюкоза билан идентификация қилинди.

1,3,4,6-Тетра-О-галлоил-β-D-глюкоза (*P. major L.*)-жигарранг аморф кукун, R_f 0,31 (2-система), суюқ.ҳ. 273-275^{0}С (парчаланиш билан), $[\alpha]^{20}_D$-57.3^0 (с 0.2; EtOH). 5% ли HCl иштирокида ўтказилган гидролиз маҳсулотлари таркибида 1:4 нисбатда глюкоза ва галл кислотаси ҳосил бўлди. Кимёвий ва спектрал тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва адабиёт маълумотлари билан солиштириш натижасида бу модда 1,3,4,6-тетра-О-галлоил-β-D-глюкоза эканлигини маълум бўлди.

3-О-галлоил-4,6-гексагидроксидифеноил-β-D-глюкоза (*P. lanceolata L.*),- оқ аморф кукун, R_f 0,68 (2-система), $[\alpha]^{20}_D$+40^0 (с 0.9; ацетон), УБ-спектр (EtOH, λ_{max}, нм):, 220, 285. HCl иштирокидаги парчалаш реакцияси маҳсулотлари таркибида глюкоза, галл кислотаси ва эллаг кислотаси [R_f 0,20; 0,01; 2- ва 7-система (сирка кислотанинг 2% сувли эритмаси)] борлиги аниқланди. Олинган натижаларни адабиётларда келтирилган маълумотлар билан солиштириб, бу моддани 3-О-галлоил-4,6-гексагидроксидифеноил-β-D-глюкоза билан идентификация қилинди.

2,3-ди-О-галлоил-β-D-глюкоза (*P. lanceolata L.*)-тўқ-жигаранг аморф кукун, R_f 0,25 (2-система), $[\alpha]^{20}_D$-137^0 (с 0.5; EtOH). Гидролиз натижасида 1:2 нисбатда глюкоза ва галл кислотаси ҳосил бўлди. Натижаларни адабиёт

маълумотлари билан таққослаб, ушбу моддани 2,3-ди-О-галлоил-β-D-глюкоза билан идентификация қилинди.

P. major L., P. lanceolata L. ўсимликларининг янги бирикмалари.

Гексагидроксидифеноил-1-(О-2-О-галлоил-β-D-глюкопиранозидо)-1-(О-β-D-ксилопиранозид) диэфири **(1)** (*P. major L.*) - оқ аморф кукун, $[\alpha]^{20}_{D}$ -46^0 (с 0.5; EtOH); R_f 0,22 (2-система), УБ-спектр (EtOH, λ_{max}, нм): 225, 283. ИҚ-(KBr, ν, см$^{-1}$)-спектр: 3345-3350 (ОН), 1710-1730 (С=О), 1510-1620 (Ar), 1010-1020 (қанд қисм). ^{1}Н ЯМР-спектрда 4,24 м.у. соҳада ксилозанинг Н-1 протонига тегишли ютилиш сигналлари дублет шаклида намоён бўлиб, бу аномер протоннинг β-конфигурацияга эга эканлигини билдиради. Ушбу сигналнинг қуйи соҳа томон силжиши (J=7,7 Гц) ксилозадаги С-1 углерод атомида жойлашган ОН-гуруҳнинг ацилланганлигидан далолат беради. Ксилозанинг қолган протонларига хос сигналлар 3,03 (1Н, м, J=9,3 Гц, ксил. Н-2); 3,11 (1Н, м, J= 6,2 Гц, ксил. Н-3); 3,26 (1Н, м, J=9,3 Гц, ксил. Н-4); 3,63 м.у. (1Н, м, J=8,5 Гц, ксил. Н-5) соҳаларда намоён бўлиб, спектр натижалари ушбу холатларда жойлашган ОН-гуруҳларнинг галлоилланмаганлигини билдиради. Шунингдек, спектрда глюкоза молекуласининг Н-1-Н-6 протонларига хос бўлган сигналлар ҳам кузатилиб, 6,01 м.у. соҳадаги дублет (J=8 Гц) шаклида намоён бўлувчи сигнал глюкозанинг Н-1 аномер протонига тегишли ва аномер марказ β-конфигурацияга эга. Глюкозанинг Н-2 протонига тегишли сигналнинг қуйи соҳада, 4,01 м.у. да кузатилиши С-2 углерод атомида жойлашган ОН-гуруҳнинг галлоилланганлигидан далолат беради. 4,60 (1Н, т, J=8 Гц, глюк. Н-3); 4,43 (1Н, т, J=8 Гц, глюк. Н-4); 4,64 м.у, (1Н, м, J=12 Гц, глюк, Н-5); 4,20 (2Н, д, J=12 Гц, глюк. Н-6) соҳаларда глюкозанинг қолган протонлари учун характерли бўлган сигналлар кузатилди. Спектрда 7,08; 7,12 м.у. даги синглет сигналлар галлоил-гуруҳнинг Н-2 ва Н-6 протонлари, 6,62; 6,63 м.у. соҳадаги синглет шаклида намоён бўлувчи сигналлар эса гексагидроксидифеноил- груҳнинг Н-2, Н-6` протонлари учун ҳарактерли. Ушбу маълумотларни ^{13}С ЯМР-спектр натижалари ҳам тасдиқлайди. Протонлар билан спин-спин таъсирлар тўла сўндирилган шароитдаги ^{13}С ЯМР-спектрда ксилоза, глюкоза, галлоил- ва гексагидроксидифеноил-гуруҳ углерод атомлари учун характерли бўлган типик сигналлар кузатилди (1-жадвал).

Спектрнинг 94,9-63,1 м.у. соҳаларида бирикманинг қанд қисми углерод атомларига тегишли бўлган сигналлар жойлашган. 114,6 ҳамда 114,4 м.у. соҳаларда гексагидроксидифеноил-гуруҳининг А ва В ҳалқаларида жойлашган С-1, С-1’ углерод атомлари сигналлари кузатилди. 166,4; 168,7 м.у. соҳаларда эса карбонил гуруҳ ҳосил қилган С-7 углерод атомлари учун характерли сигналлар жойлашган. 110,0 м.у. соҳадаги интенсив сигналлар галлоил гуруҳнинг С-2 ва С-6 углерод атомларига тегишли. Галлоил гуруҳининг С-4 углерод атоми сигналлари бошқалардан ажралиб туради ва 139,1 м.у. соҳада резонансланди. Ушбу гуруҳнинг С-3, С-5 углерод атомлари 145,0 м.у. соҳада умумий кўринишдаги сигнал намоён қилди.

1-жадвал

Гексагидроксидифеноил-1-(O-2-O-галлоил-β-D-глюкопиранозидо)-1-(O-β-D–ксилопиранозид) диэфирининг ^{13}C ЯМР спектрдаги (100 МГц. ацетон d_6 ацетон-d_6+D_2O, м.у.) сигналлари

Гексагидроксидифеноил гуруҳ				Ксилоза		Глюкоза	Галлоил-гуруҳ
А-ҳалқа		В-ҳалқа					
C-1	114,6	C-1'	114,4	C-1	94,9	91,3	120,5
C-2	126,8	C-2'	126,5	C-2	70,07	71,05	110,0
C-3	109,8	C-3'	107,5	C-3	68,6	75,0	145,0
C-4	145,8	C-4'	145,8	C-4	75,3	70,6	139,1
C-5	136,1	C-5'	136,1	C-5	68,1	73,0	145,0
C-6	144,2	C-6'	144,2	C-6		63,1	110,0
C-7	166,4	C-7'	168,7	C-7			165,7

1-схема бўйича 5% ли HCl иштирокида олиб борилган гидролиз реакцияси маҳсулотларини гувоҳ моддалар иштирокида қоғозли хроматография усули бўйича текширилганда, эллаг кислотаси (2) [R_f 0,20 (2-система)], глюкоза (3) (R_f 0,35, 5-система), ксилоза (4) (R_f 0,41, 6-система), галл кислотаси (5) (R_f 0,51 1-система) ҳосил бўлганлиги аниқланди.



1-схема. 1-модданинг кимёвий парчаланиш маҳсулотлари

Сув иштирокида 90^0C ҳароратда олиб борилган босқичли гидролиз реакцияси маҳсулотлари тарикибида эса эллаг кислота (2), 2-O-галлоил-

глюкозы (6), глюкоза (3), ксилоза (4), галл кислота (5) ва гексагидроксидифеноил -1- (О-β-D-глюкопиранозидо)-1-(О-β-D-ксилопиранозид) диэфири (7) ҳосил бўлганлиги аниқланди. Диметилсульфат (Me_2SO_4) ва сувсиз K_2CO_3 иштирокида метиллаб, ҳосил бўлган реакция маҳсулотини NaOMe/MeOH иштирокида ишқорий метанолиз қилиш натижасида метил-три-О-метилгаллат (8) (ЮҚХ, R_f 0.75, 8-система: бензол-ацетон 4:1) ва диметил-гексаметоксидифенат (9) (ЮҚХ, R_f 0.36, 8-система) ҳосил бўлди.

Кимёвий ва спектрал тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва адабиёт маълумотлари билан солиштириш натижасида ушбу модда адабиётларда келтирилмаган янги бирикма эканлиги маълум бўлди.

Гексагидроксидифеноил-1-(О-β-D-глюкопиранозидо)-2-(О-4-О-галлоил-β-D-глюкопиранозид) диэфири **(10)** (*P. major L.*) - оқ аморф кукун, R_f 0,14 (1-система), суюқ.ҳ. 310-312^{0}С (парчаланиш билан), $[\alpha]^{20}_D$+5,7^0 (с 0.2; EtOH). УБ- спектр (EtOH, λ_{max}, нм): 218, 300. ИҚ-спектрда 3345-3350 см$^{-1}$ соҳада ОН-гуруҳига, 1710-1730 см$^{-1}$ да -СОО- гуруҳига, 1510-1620 см$^{-1}$ да ароматик ҳалқага, 1010-1020 см$^{-1}$ қанд қисмига тегишли тебраниш чизиқлари кузатилди. ^{1}Н ЯМР-спектрда 5,14 м.у. соҳада дублет (J=6 Гц) шаклида намоён бўлувчи сигнал глюкозанинг Н-1 протонига тегишли бўлиб, бу аномер протоннинг β-конфигурацияга эга эканлигини билдиради. Ушбу сигналнинг қуйи соҳа томон силжиши глюкозадаги С-1 углерод атомида жойлашган ОН-гуруҳнинг ацилланганлигидан далолат беради. Шунингдек, 5,49 м.у. соҳада глюкозанинг Н-4 протонига тегишли мультиплет шаклидаги сигналнинг қуйи соҳада намоён бўлиши (J=4 Гц) глюкозадаги С-4 углерод атомида жойлашган ОН-гуруҳнинг ацилланганлигидан далолат беради. Глюкозанинг қолган протонларига хос сигналлар 5,07 (1Н, д, J=4 Гц, глюк. Н-2); 5,57 (1Н, м, J=4 Гц, глюк. Н-3); 4,89 (1Н, м, J=11 Гц, глюк. Н-5); 3,80; 3.87 (2Н, дд, J=8, 12 Гц, глюк. Н-6) м.у. соҳаларда намоён бўлиб, спектр натижалари ушбу ҳолатларда жойлашган ОН-гуруҳлар галлоилланмаганлигидан далолат берди. Спектрда 7,07; 7,10 м.у. даги синглет сигналлар галлоил гуруҳининг Н-2 ва Н-6 протонлари, 6,46; 6,64 м.у. соҳадаги синглет шаклида намоён бўлувчи сигналлар эса гексагидроксидифеноил – гуруҳнинг Н-2, Н-6' протонлари учун характерли.

Ушбу маълумотларни ^{13}С ЯМР-спектр натижалари ҳам тасдиқлади. Спектрда глюкоза, галлоил- ва гексагидроксидифеноил-гуруҳ углерод атомлари учун характерли бўлган типик сигналлар кузатилди (2 –жадвал).

Бирикманинг мономер таркиби ва кимёвий тузилишини аниқлаш мақсадида 2-схема бўйича кимёвий парчалаш жараёнлари ўтказилди. Кислотали гидролиз натижасида глюкоза (3), галл (5) ва эллаг кислоталари (2), босқичли гидролиз натижасида эса 4-О-галлоил-глюкоза (11), глюкоза (3), галл (5) ва эллаг кислоталари (2), гексагидроксидифеноил-1-(О-β-D-глюкопиранозидо)-2-(О-β-D-глюкопиранозид)-диэфири (12) ҳосил бўлганлиги аниқланди.

2-жадвал

Гексагидроксидифеноил-1-(О-β-D-глюкопиранозидо)-2-(О-4-О-галлоил-β-D-глюкопиранозид) диэфирининг ^{13}C ЯМР-спектрдаги (100 МГц, ацетон d_6 ацетон-d_6+ D_2O, м.д) сигналлари

Гексагидроксидифеноил гуруҳ				Глюкоза-1		Глюкоза-2	Галлоил-гуруҳ
А ҳалқа		В ҳалқа					
С-1	114,5	С-1'	114,3	С-1	92,0	92,3	119,9
С-2	126,3	С-2'	126,0	С-2	77,4	75,4	109,9
С-3	107,2	С-3'	107,1	С-3	76,98	78,07	145,8
С-4	145,0	С-4'	145,7	С-4	67,9	66,8	139,7
С-5	145,9	С-5'	145,8	С-5	74,1	73,9	145,8
С-6	145,0	С-6'	144,9	С-6	62,7	63,5	110,1
С-7	168,9	С-7'	168,5	С-7			166,3

Диметилсульфат (Me_2SO_4) ва сувсиз K_2CO_3 иштирокида метиллаб, ҳосил бўлган реакция маҳсулоти перметилатни NaOMe/MeOH иштирокида ишқорий метанолиз қилиш натижасида эса метил-три-О-метилгаллат (8) (ЮҚХ, R_f 0.75, 8-система) ва диметил-гексаметоксидифенат (9) (ЮҚХ, R_f 0.36, 8-система) ҳосил бўлди.



2-схема. 10-модданинг кимёвий парчаланиш маҳсулотлари

Олинган натижаларни умумлаштириб, уларни адабиёт маълумотларига солиштириш натижасида гексагидроксидифеноил-1-(О-β-D-глюкопиранозидо)-2-(О-4-О-галлоил-β-D-глюкопиранозид) диэфири **(10)** аввал адабиётларда келтирилмаган янги модда эканлиги аниқланди.

2-О-бис-дигаллоил-4,6-валонеил-β-D-глюкоза **(13)** (*P. lanceolata L.*)– сариқ рангли аморф кукун, R_f 0,14 (2-система), $[\alpha]^{20}_D$ +35,5^0 (с 0.6; ацетон), УБ-спектр (МеОН, λ_{max}, нм): 217, 285. ИҚ (KBr, ν, см$^{-1}$): 3345-3350 (ОН),

1710-1730 (C=O), 1510-1620 (Ar), 1010-1020 (қанд қисм). ^{1}H ЯМР-спектрда 5,66 м.у. соҳада глюкозанинг H-2 протонига тегишли сигналлар дублет дублет шаклда намоён бўлди (J=4, J=10 Гц), ушбу сигналнинг қуйи соҳа томон силжиши C-2 углерод атомида жойлашган OH-гуруҳнинг галлоилланганлигидан далолат беради. 5,70 м.у. соҳада глюкозанинг H-4 протонига тегишли ютилиш сигналлари триплет (J=10 Гц) шаклда 4,60 м.у. соҳада глюкозанинг H-6 протонига тегишли ютилиш сигналлари дублет дублет шаклда намоён бўлиб (J=7, J=14 Гц), спектр натижалари адабиёт маълумотлари билан солиштирилганда, ушбу углерод атомлари валонеил гуруҳ билан боғланганлигини кўрсатди. Глюкозанинг қолган протонларига хос сигналлар 6,39 (1H, д, J=4 Гц, глюк. H-1), 6,06 (1H, т, J=10 Гц, глюк. H-3), 6,60 м.у. (1H, м, J=7 Гц, глюк. H-5) соҳаларда намоён бўлиб, бу уларда жойлашган OH-гуруҳларнинг галлоилланмаганлигини тасдиқлайди. Спектрда 7,16; 7,17 м.у. даги синглет сигналлар галлоил-гуруҳнинг H-2 ва H-6 протонларига, 7,03; 6,84; 6,54 м.у. соҳадаги синглет шаклида намоён бўлувчи сигналлар эса валонеил гуруҳнинг H-2, H-6', H-6" протонларига тегишли.

Ушбу маълумотларни ^{13}C ЯМР-спектр натижалари ҳам тасдиқлади. Спектрда глюкоза, галлоил- ва валонеил-гуруҳ углерод атомлари учун характерли бўлган типик сигналлар кузатилди (3 -жадвал).

3- жадвал

2-O-бис-дигаллоил-4,6-валонеил-β-D-глюкоза углерод атомларининг ^{13}C ЯМР спектрдаги (100 МГц, ацетон d_6 ацетон-d_6+D_2O, м.д) сигналлари

Глюкоза		Дигаллоил гуруҳ		Валонеил гуруҳ				
		А ҳалқа	В ҳалқа	А ҳалқа	В ҳалқа		С ҳалқа	
C-1	92,34	124,9	126,0	114,42	C-1'	116,63	C-1"	111,51
C-2	76,77	116,6	111,3	126,56	C-2'	126,06	C-2"	135,50
C-3	76,98	141,6	145,8	106,61	C-3'	102,64	C-3"	140,65
C-4	69,61	141,7	136,9	144,99	C-4'	146,70	C-4"	139,90
C-5	73,37	144,8	145,8	136,13	C-5'	135,36	C-5"	143,04
C-6	63,37	115,1	111,3	144,58	C-6'	145,07	C-6"	110,29
C-7		167,0	164,1	169,57	C-7'	168,33	C-7"	164,14

3-схема бўйича 5% ли HCl иштирокида олиб борилган кислотали гидролиз реакцияси маҳсулотлари гувоҳ моддалар ёрдамида қоғоз хроматографияси усули бўйича текширилганда гидролизат таркибида глюкоза (3), галл кислотаси (5) ва валонеил кислота дилактони (14) борлиги аниқланди. Сув иштирокида 90^0C ҳароратда олиб борилган босқичли гидролиз маҳсулотлари таркибида эса 2-O-галлоил-4,6-валонеил-глюкоза (15), 6-валонеил-глюкоза (16) ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Метиллаш ва метанолиз натижасида эса метил-три-O-метилгаллат (8), триметил-окта-O-метилвалонат (ЮҚХ, R_f 0.27, 8-система) (17) ҳосил бўлди.



3-схема. 13-модданинг кимёвий парчаланиш маҳсулотлари

Кимёвий ва спектрал тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва адабиёт маълумотлари билан солиштириш натижасида 2-О-бис-дигаллоил-4,6-валонеил-β-D-глюкоза **(13)** адабиётларда келтирилмаган янги бирикма эканлиги маълум бўлди.

«Ажратиб олинган полифенолларнинг биологик фаолликлари» деб номланган учинчи бобда бирикмаларнинг фармако-токсикологик хоссалари ҳамда биологик фаолликлари ҳақида маълумотлар келтирилган. *Plantago major L.* ўсимлигидан ажратиб олинган полифеноллар йиғиндиси шартли равишда Плантагин деб номланди.

Ажратиб олинган моддаларнинг фармако-токсикологик хоссалари ва яллиғланишга қарши фаоллиги Биоорганик кимё институтининг Фармакология лабораторияси ходимлари томонидан текширилди. Тадқиқотлар натижасида Плантагин V синф заҳарсиз моддалар қаторига кириши маълум бўлиб, унинг LD_{50} қиймати оғиз орқали қабул қилинганда сичқонлар учун 8900 мг/кг. Сурункали заҳарлилигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижасига кўра, Плантагин ўрганилган дозаларда бир неча марта оғиз орқали қабул қилинганда периферик қон миқдорий таркиби ва морфологиясига токсик таъсир кўрсатмади. Плантагин препаратининг мутаген хоссалари соғлом донор периферик қони лимфоцитларида in vitro шароитида ўрганилди. Препарат таъсирида хромосомалардаги микроскопик кузатилган аберрациялар миқдори назоратдаги даражада бўлди ва

хромосомаларга хеч қандай мутаген таъсир кўрсатмади. Шунингдек, препарат эмбриотоксик ва тератоген хоссаларга ҳамда маҳаллий аллергик таъсирга эга эмас.

Специфик фармакология бўйича олиб борилган тадқиқотларда Плантагиннинг яллиғланишга қарши фаоллиги Глицирам билан таққослаб ўрганилди. 25 ва 50 мг/кг дозаларда гистаминли яллиғланиш моделининг дастлабки босқичларида яллиғланишни сўндириш фаоллиги мос равишда 73% ва 92% ни ташкил этди. Глицерам эса 50 мг/кг да- 65%. Каррагенинли яллиғланиш моделида антиэкссудатив фаоллик 25 мг/кг да - 56%, 50 мг/кг да - 44%. Глицирам эса 50 мг/кг да - 50%. Демак, Плантагин самарадорлигига кўра Глицирам дори воситасидан кам эмас.

Молекуляр биофизика лабораториясида *in vitro* шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Плантагин антиоксидант ва гипогликемик фаолликларга эга эканлиги маълум бўлди. Плантагин табиий ўсимлик полифеноллари асосида яратилганлиги, юқори антиоксидант фаолликка эгалиги ҳамда ҳар икки тип қандли диабетда қўллаш мумкинлиги билан гликлазид воситасидан ажралиб турди. Бу эса Плантагиннинг антидиабетик восита сифатида қўллаш истиқболларини очиб берди. Олинган натижалар асосида патент расмийлаштирилди ва ЎзР Интеллектуал мулк агентлигига талабнома топширилди.

Биоорганик кимё институти ҳужайра биофизикаси лабораториясида *in vitro* шароитида амалга оширилган тажрибаларда *Plantago major* L. ўсимлик экстрактининг флавоноидли (кверцетин, лютеолин, кемпферол) фракцияси (0,01–0,05 мг/мл) каламуш юраги папилляр мускули препаратининг изометрик қисқариш кучига мусбат инотроп ва аконитин ёрдамида чақирилган аритмия шароитида сезиларли даражада антиаритмик таъсир кўрсатиши, шунингдек аорта силлиқ мускул препаратида сезиларли даражада релаксант таъсирга эгалиги аниқланган. *Plantago major L.* ўсимлик экстрактининг флавоноидли (кверцетин, лютеолин, кемпферол) фракциясининг инотроп, антиаритмик ва релаксант таъсири Ca^{2+}-канали фаоллигини модуляциялаши билан боғлиқлиги таҳмин қилинган ва комплекс кардиопротектор сифатида терапевтик мақсадларда фойдаланиш истиқболи юқори ҳисобланиши асосланган.

«Полифенолларни ажратиб олишда қўлланилган шароит ва услублар» деб номланган тўртинчи бобда тадқиқот объекти ва усуллари, полифеноллар йиғиндисини ажратиб олиш, уларни индивидуал бирикмаларга бўлиш, бирикмаларнинг кислотали, ишқорий парчаланиш реакцияларини ўтказиш шароитлари, полифеноллар йиғиндиси ва реакция маҳсулотларини алоҳида бирикмаларга ажратиш, идентификация қилишда қўлланилган колонкали, қоғозли, юпқа қатламли хроматография усуллари ҳамда уларда қўлланилган эритувчилар системалари тўғрисида батафсил маълумотлар берилган. Шунингдек, ушбу бобда ўсимлик хом ашёсидан полифеноллар йиғиндисини ажратиб олишнинг мақбул усуллари, экстракция жараёнига таъсир этувчи омиллар келтирилган бўлиб,

изланишлар натижасида *Plantago major* L. ўсимлигидан Плантагин субстанциясини ажратиб олиш учун Лаборатория регламенти расмийлаштирилган.

ХУЛОСА

1. *Plantago major L.* ўсимлигининг таннинлари илк бор ўрганилди. Ўсимлик таркибидан галл кислотаси, рутин, лютеолин, изорамнетин, гиперозид, кверцетин билан биргаликда таннинлар синфига кирувчи-1,2,3,4,6-пента-О-галлоил-β-D-глюкопираноза, 1,2,3-три-О-галлоил-β-D-глюкопираноза,1,3,4,6-тетра-О-галлоил-β-D-глюкопираноза, гексагидроксидифеноил-1-(О-2-О-галлоил-β-D-глюкопиранозидо)-1-(О-β-D–ксилопиранозид) диэфири, гексагидроксидифеноил-1-(О-β-D-глюкопиранозидо)-2-(О-4-О-галлоил-β-D-глюкопиранозид) диэфири ажратиб олинди ва биологик фаолликларини аниқлашга тавсия этилди.

2. *P. lanceolata L.* ўсимлиги таркибидан галл кислотаси, кверцетин-3-рутинозид, кверцетин-3-О-β-D-галактопиранозид, кемпферол, кверцетин, рамнетин каби маълум полифеноллар қаторида гидролизланувчи таннинлар синфига таалуқли 3-О-галлоил-4,6-гексагидроксидифеноил-β-D-глюкопираноза, 2,3-ди-О-галлоил-β-D-глюкопираноза, 1,2,3-три-О-галлоил-β-D-глюкопираноза, 2-О-бис-дигаллоил-4,6-валонеил-β-D-глюкозалар ажратиб олинди ва улардан айримларининг фармакологик хоссаларини аниқлашга тавсия этилди.

3. Кимёвий реакция (кислотали ва сув иштирокидаги босқичли гидролиз) натижалари ва физикавий (УБ-, ИҚ-, ^{1}Н, ^{13}С ЯМР-спектроскопия) усуллар маълумотлари асосида гексагидроксидифеноил-1-(О-2-О-галлоил-β-D-глюкопиранозидо)-1-(О-β-D–ксилопиранозид) диэфири, гексагидроксиди-феноил-1-(О-β-D-глюкопиранозидо)-2-(О-4-О-галлоил-β-D-глюкопиранозид) диэфири (*Plantago major L.*) ва 2-О-бис-дигаллоил-4,6-валонеил-β-D-глюкоза (*P. lanceolata L.*) адабиётларда маълум бўлмаган янги гидролизланувчи таннинлар эканлиги аниқланди.

4. *Plantago major L.* ўсимлигидан полифеноллар йиғиндиси ажратиб олишнинг оптимал усули яратилди. Олинган натижалар асосида ўсимлик хом ашёсидан Плантагин субстанциясини ажратиб олишга лаборатория регламенти расмийлаштирилди.

5. Фармако-токсикологик тадқиқотлар натижасига кўра Плантагин кам заҳарли моддаларнинг V синфига кириб, у ҳеч қандай аллергик, эмбриотоксик, тератоген, мутаген хоссалар намоён қилмайди.

6. Олиб борилган тадқиқотларда Плантагиннинг яллиғланишга қарши фаолликка эгалиги аниқланиб, антиэкссудатив таъсирига кўра Глицирам дори воситасидан кам эмаслиги маълум бўлди. Бу келажакда Плантагиндан яллиғланишга қарши самарали дори воситаси сифатида фойдаланиш имконини беради.

7. Плантагин антиоксидант ва гипогликемик фаолликларга эга ва диабетга қарши дори воситаси сифатида тавсия этилди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА, ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

МАХМУДОВ РУСТАМЖОН РАСУЛЖОНОВИЧ

ФЕНОЛЬНЫЕ СОЕДИНЕНИЯ *PLANTAGO MAJOR L.* И *PLANTAGO LANCEOLATA L.* И ИХ БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ

02.00.10 - Биоорганическая химия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.1.PhD/K8
Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biohcem.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www .ziyonet.uz).

Научный руководитель	**Абдулладжанова Нодира Гуламжановна** доктор химических наук
Официальные оппоненты	**Гафуров Махмуджон Бакиевич** доктор химических наук
	Рахманбердиева Раъно Каримовна доктор химических наук
Ведущая организация	**Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт**

Защита диссертации состоится «____» _____ 2018 г. в ___:_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. K/B/T. 37.01 при Институте биоорганической химии, Национальном университете Узбекистана, Институте химии растительных веществ Узбекистана (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83, Тел. 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (регистрационный номер №_____). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2018 года.

(реестр протокола рассылки ___ от _____ 2018 года).

Ш.И.Салихов
Председатель Научного Совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

М.И.Асраров
Ученый секретарь Научного Совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

А.А.Ахунов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире изо дня в день возрастает потребность в лекарственных средствах на основе лекарственных растений. В настоящее время на мировых фармацевтических рынках объем такого вида лекарственных средств составляет 40-50 %[1]. Многие фитопрепараты, в отличие от синтетических, характеризуются возможностью длительного применения, проявляя широкий спектр действия на организм человека. С повышением требований к фитопрепаратам появляется возможность расширения ассортимента лекарственного растительного сырья, внедрение в медицинскую практику малоизученных видов растений, создание на их основе лекарственных средств.

В мировом масштабе в различных направлениях, таких как фармацевтика, медицина и других областях, уделяется большое внимание как поиску богатого растительного сырья, так и исследованию их химического состава. В частности, лекарственные средства, обладающие эффективным действием на основе углеводов, иридоидных гликозидов, флавоноидов, фенолкарбоновых кислот и относящихся к другим классам соединений, выделенных из растений сем. *Plantaginaceae*, широко применяются в медицинской практике. Выполнение работ по изучению химического состава растений, входящих в вид *Plantago*, выделению флавоноидов и гидролизуемых таннинов, исследованию химического строения и биологической активности является актуальной задачей.

В нашей стране были предприняты широкомасштабные меры по созданию импортозаменяющих, эффективных лекарственных средств на основе растительного сырья, обеспечению населения лекарственными средствами, и получены конкретные результаты. В частности, в медицинскую практику внедрены такие природные лекарственные средства, как «Рагосин», «Мегосин», «Гозалидон», «Рутан». В данных препаратах основными действующими веществами являются полифенольные соединения, которые характеризуются антиоксидантными, антибактериальными, противовирусными и фунгицидными и др. свойствами. Отмечены конкретные задачи по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми высококачественными лекарствами и медицинскими изделиями, препятствованию безосновательного роста цен на лекарственные препараты, предусмотренные в 4 направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. Для решения этих задач особое значение имеет выделение биологически активных веществ из растений, определение их строения, биологической активности и ускорить работы по направлению получения на основе лекарственных

[1] http://mail.narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/tibbijot/item/1598-фармацевтика-соҳасида-истиқболли-лойиҳалар-дори-дармон-таъминоти-барқарорлигининг-муҳим-шартидир/

препаратов, создание новых перспективных лекарственных средств из местного сырья. Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 16 сентября 2016 г. № ПП-2595 «О Программе мер по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности республики на 2016-2020 годы», Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по выделению таннинов, флавоноидов из растений рода *Plantaginaceae,* изучению их химической структуры, установлению биологической активности осуществляются рядом ведущих ученых. I.D.Karagöz, M.E.Kalender и сотр. изучена противоопухолевая активность в условиях *in vivo* (2007), L.C.Chiang, M.Y.Chang, C.C.Lin - противовирусная и иммуномодулирующая активности в условиях *in vitro* (2003), T.M.Nyunt, K.K.Lwin - антигипертензивная активность (2007). G.R.Jurisic, J.Vukovic и сотр. проанализирован количественный состав полифенолов растения *Plantago major L.* (2005). S.A.Kawashty, M.F.Abdalla, N.A.M.Saleh определен состав флавоноидов растения (1994), M.Zubair и сотр. определен состав фенольных соединений, а также установлена их антиоксидантная, противовирусная активности (2010).

В нашей республике в данном направлении при проведении эффективных научно-исследовательских работ, учеными Института биоорганической химии А.И.Исмаиловым, Н.О. Барам и Х.Л. Зияевым из коры корня хлопчатника был выделен госсипол и созданы на основе его производных препараты против различных вирусных заболеваний, такие как «Мегосин», «Гозалидон», «Рагосин», которые внедрены в медицинскую практику. В определении химического строения катехинов и проантоцианидинов большой вклад внесли д.х.н. А.К.Каримджанов, к.х.н. Ш.Ю. Исламбеков, д.х.н., проф. З.А. Кулиев. Акад. Ш.И.Салиховым, проф. С.М. Мавляновым и их учениками на основе глубоких исследований химического состава и биологической активности полифенолов растений рода *Annacardeaceae, Geraniaceae, Malvaceae, Punicaceae* и *Euphorbiaceae,* произрастающих в Центральной Азии, созданы противовирусные (грипп, ВИЧ-1) лекарственные средства.

